O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ХДП O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 28-avgust • Shanba • 102-103 (31.223) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

2010 йилнинг биринчи ярмида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг қиймати 518 миллиард сўмга тенг кредитлари ёки 2009 йилнинг шу даврига қараганда 2,3 баравар кўп маблағи йўналтирилди. Натижада умумий капитал қўйилмалар ҳажмида тижорат банклари томонидан ўзлаштирилган кредит ресурслари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига қараганда 2 баравардан ошди.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш жорий йилнинг биринчи ярмида аҳоли бандлигини 2,7 фоиз ошириш имконини берди ва бунинг натижасида иш билан банд аҳоли сони 303,5 минг нафардан кўпроққа ортди ва 11,4 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши, асосан, қурилиш (106,4 фоиз), уй-жой-коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (105,3 фоиз), транспорт ва алоқа (104,9 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (104,9 фоиз) кузатилмоқда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан муборакбод этаман.

Ўтган йиллар мобайнида Сизнинг раҳнамолигингизда мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий янгиланишларни амалга оширишда, ўзининг халқаро нуфузини юксалтиришда улкан ютуқларни қўлга киритди.

Россия-Ўзбекистон ҳамкорлиги стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Ишонч билан қайд этиш мумкинки, мамлакатларимизни нафақат умумий тарих, айни пайтда турли соҳаларда биргаликда эришилаётган ютуқлар ҳам бирбирига яқинлаштиради. Бизнинг Сиз билан доимо самарали бўлиб келган очиқ мулоқотларимиз икки томонлама алоқаларни кенгайтиришга, амалий масалаларни тезкор ва самарали ҳал этишга улкан ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ишончим комилки, бундай яқин ҳамжиҳатлик биз учун бундан буён ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқбол ва йўналишларини очаверади, айни пайтда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Дмитрий МЕДВЕДЕВ,
Россия Федерацияси Президенти

❖ ❖ ❖

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг яқинлашиб келаётган миллий Мустақиллик куни билан Сизни ва бутун Ўзбекистон Республикаси халқини муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади. Жорий йилнинг апрель ойида мамлакатингизга ташрифим, унинг асосида кўрсатилган иззат-икром ва халқингиз маданиятидан олган таассуротларим бир умр ёдимда қолади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Қирғизистон жанубида фожеали воқеалар содир этилган чоғда Ўзбекистоннинг бағрикенглик ва вазминлик билан тутган позицияси учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистон жанубидан келган одамларни кутиб олиш ва қабул қилишга тайёрлиги гуманитар инқироз бартараф этилишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Сизни ишонтириб айтаманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон халқи фаровонлиги ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга тайёрдир. Сизнинг келаси ойда Нью-Йоркка бўладиган ташрифингиз чоғида Сиз билан музокара ўтказиш имкониятига эга бўламиз, деган умиддаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Пан Ги МУН,
БМТ Бош котиби

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

■ Жойдам ва Совурбулоқ маҳалла аҳли Шерзоджон Тоиров номзодини қўллаб-қувватлаб адашмаган экан. У сайловолди учрашувларида ЎзХДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, берган ваъдаларининг уддасидан чиқмоқда.

Куч — гоя ва фаолиятнинг ҳаётийлигида

→2

Мисол учун, ўшанда аҳоли вақтинча ишсиз ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш масаласини кўтарганди. У халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати сифатида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини муҳофаза қилиш маркази, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда бугунгача 29 нафар йигит-қизни ўзлари қизиққан соҳалар бўйича ишга жойлашишига амалий ёрдам берди. Мана, энди «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятидаги партиямиз бошланғич ташкилотига маҳалла аҳлидан миннатдорлик хатлари келмоқда.

— Менимча, гап партия аъзоларининг сонида эмас, фаоллигида, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси Ҳурматилло Юлдошев. — Сафимизда 120 нафар партиядошимиз бор. Уларнинг барчасини сиёсий ҳаракатнинг фаол иштирокчилари, дейиш мумкин. Биргина мисол: сайловларда вилоят партия кенгаши бошланғич ташкилотимиз атрофида жипслашган бир нафар фаолимизни халқ депутатлари вилоят Кенгаши, шаҳар партия кенгаши беш нафар жамоадошимизни халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Уларнинг барчаси аҳолининг ишончига сазовор бўлди. Айни пайтда, қонуний ваколатларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Бошланғич ташкилотимиз уларга депутатлик вазифаларини адо этишда услубий ва амалий ёрдам бериб келмоқда. Депутатларимиз хизматлари туфайли бизга мактублар келаётганининг боиси шунда.

Озод юрт ёшлари *таффакури заминдан то коинот қадар юксалмоқда* →3

Меҳнат қилган муродига етади →7

«Халқингизнинг бунёдкорлик салоҳияти биргина Тошкентдаги кенг кўламли янгиланиш ишларида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу эзгу ишлар пойтахтингиз кўркини бойитмоқда. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи ва ўзгача қиёфа касб этган Амир Темур хиёбонини алоҳида таъкидлашни истардим».

Холгер ФРАЙДЕР,
Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

■ ***Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилади.***

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар бўйича қарорлар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Ялпи мажлисда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини, суд-ҳуқуқ ислоҳотини такомиллаштиришга, ҳуқуқ-тартиботни ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган йигирмага яқин қонунни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар бу борада «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида қабул қилинган, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш масалаларини тартибга солишга ҳамда болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод учун масъулиятини оширишга қаратилган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳимлигини таъкидладилар.

Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини, гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда кредиторларнинг манфаатлари муҳофаза қилинишини назарда тутадиган ҳуқуқий нормаларни, пенсия таъминоти ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа қонунлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулоддa вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат санитария назорати ва давлат статистикаси органлари раҳбарларини тайинлашни тартибга солиш, солиқ органлари тизимини модернизация қилиш, солиқ маъмурчилигининг замонавий усуллари ва механизмларини жорий этиш, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизими ва рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган нотариат институти фаолиятини такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ бир қатор қонунларни муҳокама қилиш белгиланди.

Сенаторлар жиноят ишлари юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ваколатли органлари ўртасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг амалдаги тизимида тергов-суд амалиётини шакллантиришнинг, инсофсиз ва яширин рекламани амалга ошириш ҳолларига чек қўйишнинг, реклама материалларини тарқатишда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилинишини таъминлашнинг, шунингдек, рекламани жойлаштириш тартибини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришнинг, пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш, пиротехника воситаларининг қонунга хилоф равишдаги муомаласи ва улардан фойдаланиш соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий базасини яратувчи қонунларни ҳам кўриб чиқадилар.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ОБ-ҲАВО 28-29.08.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	37°C	38°C
Самарқанд	38°C	39°C
Нукус	38°C	39°C
Қарши	41°C	42°C
Урганч	38°C	39°C
Навоий	37°C	38°C
Фарғона	36°C	37°C
Бухоро	37°C	38°C
Андижон	36°C	37°C
Наманган	36°C	37°C
Термиз	41°C	42°C
Жиззах	37°C	38°C
Сирдарё	37°C	38°C
Тошкент вил.	37°C	38°C
Лондон	32°C	33°C
Париж	36°C	37°C
Москва	36°C	37°C
Мадрид	36°C	37°C
Пекин	33°C	34°C
Гонгконг	37°C	38°C
Рим	36°C	37°C
Анқара	33°C	34°C
Токио	33°C	34°C
Стокгольм	33°C	35°C
Кейптаун	24°C	25°C
Қоҳира	33°C	34°C
Гавана	41°C	42°C
Вашингтон	27°C	28°C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 24 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1437,35	1 Миср фунти	283,33	1 СДР	2432,40	10 Жанубий Корея вони	13,64
1 Англия фунт стерлинги	2508,88	1 Канада доллари	1539,28	1 Туркия лираси	1064,13	10 Япония иенаси	188,97
1 БАА дирҳами	439,18	1 Хитой юани	237,28	1 Швейцария франки	1561,03	1 Россия рубли	52,87
1 АҚШ доллари	1613,01	1 Малайзия рингити	515,83	1 Евро	2067,01	1 Украина гривнаси	204,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига ўзимнинг самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар барқарор ривожланмоқда. Дўстона алоқаларимиз ва ҳамкорлигимиз келгусида ҳам икки томон учун фойда келтираверишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, барча хайрли ишларингизда муваффақиятлар тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

Ли Мён БАК,
Корея Республикаси Президенти

❖ ❖ ❖

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали мамлакатингизнинг биродар халқига ўзимнинг самимий қутлов ва тилакларимни изҳор этишдан мамнунман.

Аминманки, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган юксак даражадаги икки томонлама муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта замин бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ажойиб фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин дилдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, хуш кайфият, куч-ғайрат, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

❖ ❖ ❖

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва барча ҳамюртларингизга эзгу тилакларим билдирилган қутловларимни йўллашдан ғоят бахтиёрман. Парвардигорга илтижо қилиб, ўз саъй-ҳаракатларини иқтисодий, ижтимоий ва маънавий неъматлардан барча бирдек фойдалана оладиган янада аҳил жамият барпо этишга, энг муҳим умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга йўналтирган ҳеч бир бандасидан ўз иноятини дариғ тутмасликни сўраб қоламан. Яратгандан Сиз, Жаноби Олийларига ва бутун мамлакатингиз халқига рўшнолик ва баракот нозил қилишини сўрайман.

БЕНЕДИКТ XVI,
Рим Папаси

❖ ❖ ❖

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, келгусида Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Ишончим комилки, мамлакатларимиз бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп томонлама асосда ҳамкорликни давом эттираверади.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Доктор Х. Сусило Бамбанг ЮДХОЙОНО,
Индонезия Республикаси Президенти

ЎзХДП: устувор вазифалар

■ ЎзХДП Марказий Кенгашида партия ташкилотларининг ғоявий, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, электорат билан ишлашда замонавий услуб ва даврга мос сиёсий технологиялардан фойдаланиш масалаларига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, электорат орасига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш партия олдида турган муҳим вазифалардан бири экани таъкидланди.

Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

Илғор технологиялардан фойдаланиш

партия фаолиятини кучайтиради

Гуруҳ иш режаси лойиҳаси иштирокчилар томонидан муҳокама этилди. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз таклифини билдириб, бошланғич партия ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишларни кенгайтириш, электорат билан иш олиб боришда Жамоатчилик қабулхоналари ўрни ва аҳамияти, электорат билан ишлашда замонавий усулда ёндошиш муҳим эканини таъкидладилар. Шунингдек, электорат билан иш олиб боришда маҳаллий депутатларнинг масъулиятини янада ошириш масаласида янги йўналишлар хусусида фикрлар алмашилди.

Йиғилишда Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолиятини янада такомиллаштириш, электорат муаммоларини ҳал этишда депутатлар масъулиятини ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, партия маҳаллий кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарининг кўчма қабул кунларини ташкил этиш ва уларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва тегишли мутасадди ташкилотлар вакилларини жалб этган ҳолда муаммоларни ўз ўрнида ҳал этиш таклифи маъқулланди.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Кўчма қабул кунларини ташкил этиш электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситасидир. Агар бу жараёнга бевосита ўша ҳудуддаги масъул идоралар раҳбарлари жалб этилиб, масала шу ернинг ўзида ҳал қилинса, халқнинг партияга бўлган ишончи янада ортади. Айниқса, электорат билан яқиндан ишлаш учун маҳаллалар ва уларнинг оқсоқоллари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш лозим. Тадбирларда Олий Мажлисдаги фракциямиз аъзолари ташаббус кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Камолиддин АКРОМОВ,
ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши раиси

— Жамоатчилик қабулхоналарига қилинган мурожаатлар партиямиз электорати муаммоларини ечишда депутатлик гуруҳлари учун асос бўлиши зарур. Бунда масалани ҳал этишдан олдин ўша ҳудуддаги мавжуд ҳолатни батафсил ўрганиш, масалага яхлит ёндашиш ғоятда муҳимдир. Табиийки, эришилган ижобий натижаларни оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритиш лозим.

Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Партиямиз тарғибот ишларини кучайтиришда, аввало, маҳаллалардаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кенг йўлга қўйиш лозим. Бинобарин, бошланғич бўғинга йўл-йўриқлар кўрсатиш, уларни турли услубий қўлланмалар билан таъминлаш партия фаолиятини янада кучайтиради. Шунингдек, бу жараёнда маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш, имконияти чекланган кишиларнинг ҳолидан хабар олишда партиямиз фаоллари кучидан фойдаланиш яхши самара беради.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ.

Ижтимоий ҳимоя

тажриба, муаммо ва истиқболлар

ЎзХДП вилоят кенгашларида

■ Самарқандда вилоят партия кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбати шу мавзуга қаратилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, ЎзХДПдан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, олимлар ва тадқиқотчилар, экспертлар иштирок этишди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламини ҳимоялаш мужассам, — деди партиянинг вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков. — Давлатимиз раҳбари шу мақсадга қаратилган қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилган. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами партиямиз электоратини ташкил этади, шунинг учун биз мавжуд қонун ва қарорлар ижроси юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатишимиз зарур. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳимоялаш борасида қилинаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ўрганилиши, очиқ таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ. Чунки бу маблағ ўз эгасига етиб бориши даркор. Партиядан сайланган вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг ҳар бири бу ишда жонбозлик кўрсатиши керак.

— Бу жуда долзарб масала, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев. — Партиямиздан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиямиз электоратини қийнаётган масалаларни ўрганиб, ўзлари аъзо бўлган доимий комиссиялар, маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига киритиш учун тайёрламоқда.

Тегишли соҳа мутахассисларига аниқ саволлар билан мурожаат қилиб, аҳолини ўйлантираётган масала ечимига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Аммо бу жараён ҳали талаб даражасида, деб айта олмаймиз. «Маҳалла» тизимидаги ишларни тартибга солиш, керак бўлса, ёрдам бериш лозим. Бунинг учун кўпроқ ташаббус, электоратга яқин бўлиш талаб этилади. Депутат одамлар ташвиши билан яшаши зарур.

— Туманда ёрдамга муҳтож кишилар бор, — деди Булунғур туман партия кенгаши раиси ўринбосари Мамашариф Неъматов. — Уларнинг айрим мурожаатларида кўтарилаётган масалаларни ҳал этиш бироз қийин кечмоқда. Яқинда бир ногиронга махсус аравача бериш масаласида тумандаги тегишли идорага мурожаат қилдик. Масъул қатор ҳужжатлар зарурлиги, ногиронлик аравачасини харид қилиш учун аравача қийматининг 50 фоизини тўлаш кераклигини таъкидлади. Шунинг учун мурувват ёрдами кўрсатиш ҳомийлик тартиблари ва уларга оид ҳужжатларни соддалаштириш зарур, деб ўйлайман.

— Вилоятда 306 нафар ёлғиз фуқаро рўйхатга олинган, — деди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассиси Бахтиёр Мамаражабов. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларга тегишли ёрдам кўрсатилди. 1893 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилди. Уларнинг 301 нафари амбулатор, 269 нафари стационар тарзда даволанди.

267 нафар ёлғиз кекса пенсионер ва ногиронларга поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари томонидан патронаж ёрдами кўрсатилди. Давлат томонидан барча зарур чоралар кўрилмоқда. Ана шу йўлда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Давра суҳбатида мавзу юзасидан батафсил фикр алмашилди. Учраётган айрим муаммоларни бартараф этиш юзасидан давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Тадбир сўнгида партиямиз аъзоси, Самарқанд туманидаги «Фарҳод-С» фермер хўжалиги раҳбари Ҳомид Толибов юқорида айтиб ўтилган каби ҳолларни бартараф этиш учун бешта ногиронлик аравачаси ҳамда ўнта қўлтиқтаёқ олиб бериш ташаббуси билан чиқди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Куч — ғоя ва фаолиятнинг ҳаётийлигида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бошланғич партия ташкилоти иш режаси билан танишганимизда, масалалар аниқ-равшан белгиланган, унга масъуллар бириктирилгани, ижро юзасидан ахборот киритиш тартиби жорий этилганини кўрдик. «Ёшлар терроризм ва наркоманияга қарши» оммавий акцияси, «ЎзХДП — Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида» семинар машғулоти, «Биз бир сафдамиз» лойиҳаси, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» маърифий дастури... Булар БПТ кўзлаган, бажараётган тадбирлардан мисоллар, холос.

Ёш ишчи Отабек Эшматов партия хайрихоҳларидан бири эди. У бошланғич ташкилот ўтказган давра суҳбатлари, учрашувларда бир неча бор иштирок этди ва англадики, унинг қарашлари ЎзХДП ғояларига ҳамоҳанг.

— Мен дастлаб партия дастури билан танишдим, — деди у. — Чунки мен партия аъзоси, аввало, сиёсатчи, мамлакатда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг фаол қатнашчиси, Ватан ва халқ олдида масъул шахс деб биламан. Яқинда ЎзХДП сафидан жой олдим. Энди унинг дастурий вазифаларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиламан.

Мураккаб эфирли целлюлоза цехида технологик ускуналарни жиҳозловчи бўлиб ишлаган Отабек Эшматов ўзининг қизиқувчан ва интилувчанлиги туфайли тез орада бошланғич ташкилот қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчисига айланди. Унинг ўз устида тинмай изланиши, касб маҳоратини оширишини кузатган партия ташкилоти корхона маъмуриятига Отабек Эшматовни катта уста вазифасига ўтказиш ҳақида тавсия киритди. Бугун у коллежларни битириб, янги ишга келганларга устозлик қилмоқда.

Маълумки, «Фарғонаазот» мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири. Яқинда бу ерда таркиби азот ва фосфордан иборат, янги самарадор ўғит — АФУ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Турфа хил дефолантлар, карбомид минерал ўғитини деҳқонлар шу ердан олади. БПТ ҳар бир цех, бўлинмада қатъий меҳнат интизомига риоя этилиши, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига ҳисса қўшмоқда. У ташкил этган жамоатчилик назорати гуруҳлари корхона маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Партиянинг бошланғич ташкилоти учун корхонада алоҳида хона ажратилган. Унда услубий қўлланмалар, ЎзХДП Марказий Кенгаши, вилоят, шаҳар кенгашларининг партиявий ҳужжатлари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг бир неча йиллик тахламлари билан танишиш мумкин.

Ҳар қандай сиёсий кучнинг қудрати, унинг ғоя ва фаолияти ҳаётийлиги билан ўлчанади. «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятидаги ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти астойдил ана шу йўлдан бормоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

XXI аср: истиқболимиз тимсоллари

ОЗОД ЮРТ ЁШЛАРИ

тафаккури заминдан то коинот қадар юксалмоқда

Мустақил юрт фарзандларининг ақл-заковати осмону фалакни забт этади. Илму салоҳияти она ер қаъридаги тилсимларни-да очади.

Озодлик инсон қалбини тоғдек кўтаради. Мана шу юксакликда уйғонган туғёнлар эса бутун инсониятни руҳ бедорлигига, уйғоқлигига чақиради.

Озод одам учун Ватан туйғусидан баландроқ туйғу йўқ. Озод одам учун миллат шаънидан юксакроқ тушунча йўқ. Шундан бўлса керак, озод одамнинг нигоҳлари баланд-баландларга тикилади. Сўзлари эса дунёни лол қолдиради. Ҳайратлантиради.

Қадим буюклик бўй кўрсатади. Томирларимизда оқаётган аждодларимиз қони бир кун келиб авлодлар тимсолида намоён бўлади. Қарашларни чилпарчин қилади. Мавжудлик ила муроса қилмайди. Мана шундай пайтда эса тан беришдан бошқа чора қолмайди. Қабул қилинади, эътироф этилади.

Ҳа, Ўзбекистоннинг озод, эркин фарзандлари ўз изланиш ва кашфиётлари билан бутун дунёни қойил қолдирмоқда. XXI аср интеллектуал бойлик асри эканини ўз истеъдод ва иқтидорлари билан намойиш қилмоқдалар.

Улар Улуғбек ворислари. Улар Беруний издошлари. Ва яна халқимиз учун энг улуғ, энг азиз Мустақиллигимиз кашф этган, юзага чиқарган фахр-ифтихорларимиз.

Бугун осмон уларнинг пойига келиб тиз чўкмоқда, замин ўз баеида яширган бойликларини уларнинг қўлига тутқазмоқда.

Озод одам овози ердан то кўкка қадар етиб, жаҳон узра акс-садо бермоқда:

— Англанг, одамлар! Истиқлол бизга нималар берди? Миллатни қай даражада юксалтирди? Қаддини тиклади.

Сабоқ олинг одамлар! Мустақиллик бизни қанчалар улуғлади, улғайтирди.

Озодлик осмонини сақланг, одамлар! Уни авлодларга мерос қилиб қолдиринг.

Мустақилликни бошингиз узра кўтаринг, одамлар! Миллат учун озодлик, нон, тинчликдан-да муқаддас бошқа ҳеч нарса йўқ! Мустақилликни, Ватан байроғини, Ватан шаънини забардаст қўлларингизда маҳкам тутиб туринг.

Озодлигимиз душманлари олдида ҳеч қачон тиз чўкманг. Уларни кўзларига тик қаранг, озодлик, озодлик, озодлик дея бор овозингиз билан ҳайқиринг.

Юрак тўридаги тумор Ватан. Кўзларимиз қорачиғи Ватан. Томирларимизда оқаётган қонларимиз Ватан. Аждодлар ҳоки Ватан. Авлодлар буюк қудрати Ватан. Бизни борлигимиз, жаҳон саҳнида ўз ўрнимизни топишимиз, яшаб қолишимиз, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз, барчаси Ватан. Барчаси Озодлик.

Замонамиз беруниийлари

Минерология фани ривожида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон алломаларининг ўзига хос ўрни бор. X-XI асрлардаёқ қомусий олим Абу Райҳон Беруний геология, минерология фанлари бўйича жиддий кузатишлар олиб борган. Унинг «Минерология» асари ҳали-ҳануз ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган. Китобда, айниқса, Марказий Осиёда мавжуд қазилма бойликлари ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар бор. Беруний минерологик текширувда қимматбаҳо тошларнинг рангини, ялтироқлигини тасвирлаш, қаттиқлигини аниқлаш, уларнинг магнит ва электр хусусиятларини кузатиш, эритиб синаш каби усуллардан фойдаланган, кўплаб кашфиётлар қилган.



Эркин Эгамбердиев, 1982 йилда Тўйтепа шаҳрида туғилган. Мазкур шаҳардаги 26-мактабни 1999 йилда тамомлаган. 2000 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг геология факультетига ўқишга қабул қилинган. 2010 йилнинг 30 июнь куни 28 ёшида геология-минералогия фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

— Академик Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги китоб тасодифан қўлимга тушиб қолди. Уни ўқиб, геолог бўлишни орзу қилганман, — дейди Эркин Эгамбердиев. — Бу интилиш мени ЎзМУнинг геология факультетига етаклади. Ушбу даргоҳда таниқли олим Рустам Юсупов билан танишдим. У киши менинг бакалаврлик, магистрлик ишларимга илмий раҳбарлик қилди.

2006 йилда Ангренда жойлашган Аршан бува булоғи атрофида геологик ўрганиш ишлари вақтида фанда номаълум бўлган минералга дуч келдик. Дастлаб уни яхлит ҳолдаги платина деб ўйладик. Топилмани устозимга кўрсатганимда, «Мен ҳам бир вақтлар Чотқолдан худди шунга ўхшаш тош топгандим. Кел, текшириб кўрамиз», деди. Шундан кейин уни ўргана бошладик.

Минерални текширишга икки йилга яқин вақт кетди. Бу ишга англиялик мутахассисларни ҳам жалб қилдик. Ўша пайтда биз Лондондаги «Минераллар журнали» (Minerals magazine)да топилма ҳақида мақола чоп эттирдик. Таҳририят талабига биноан мақола чиқишидан олдин 40 кишидан иборат нуфузли олимлар кенгаши тасдиғидан ўтиши керак эди. Ҳайъатнинг ижобий тақризидан сўнг мақола чоп этилди.

2009 йил 31 августда Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида Бутун дунё янги минералларга ном бериш ва уларнинг классификацияси билан шуғулланувчи ассоциядан (Австралияда жойлашган) бизга хат келди. Унда «Сизлар топган янги минерал «Мавляновит» деб номланди ва бутунжаҳон минераллар рўйхатига киритилди», дейилганди.

Энди минералнинг аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда кремний кимёвий унсури маргонец билан боғланган. Бу каби минераллар жуда катта ҳароратда, катта босим остида, тахминан 100 км чуқурликда ҳосил бўлади. Ушбу минерал бор жойда олмос бўлиши эҳтимоли катта. Улар ердан кўтарилиб тепага чиқади. Топилган янги минерал шундан далолат берадики, Ўзбекистон ерларида олмос бор. Ҳар бир моддага ўхшаб, олмосларнинг ҳам белгиси мавжуд. Мен топган топилма эса олмоснинг ўз белгисидир.

Бошлаган илмий ишимни — Шарқий Ўзбекистон худудида жойлашган олтин, кумуш конлари тадқиқини давом эттириб, мана шу худудда жойлашган мис ва бошқа турдаги конларни ҳам ўрганмоқчиман.

Эркин Эгамбердиевнинг илмий текширишидан сўнг

Ангрен худудининг Аршан бува булоғи атрофидаги Юсуфтош конида янги минераллашувнинг топилиши (олдин бу конда ярим қимматбаҳо оқиқ тошлар билан бир қаторда кварц қумлари қидирилган) ушбу худудда олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металлар борлигини билдиради.



Равшан Эрматов, 1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Пойтахтдаги 111-мактабда, Олимпия захиралари коллежининг футбол бўлимида таҳсил олган. Тошкент давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган. ФИФА ҳаками, 2010 йилда Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлган.

Футболни ҳамма ўйнаши мумкин, лекин ҳамма ҳакамлик қилолмайди, айниқса, жаҳон чемпионатида

Футбол мухлислари бирор учрашувда икки жамоадан ҳеч қайсига ишқибозлик қилмаса, «Бугун ким тарафдасан?» — деган саволга «Ҳакам тарафда», деб жавоб беради. Бундан бир ярим ой олдин якунига етган жаҳон чемпионатида биз ҳам бугун кимга ишқибозлик қиласан, деган саволга баралла ҲАКАМга деб жавоб бердик.

Футболимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати баҳсларида ҳакамлик қилган 33 ёшли ўзбек ўғлони Равшан Эрматов довруғи бугун бутун дунёни тутди.

— Болалигимдан футбол билан жиддий шуғулланганман. Менда футболчи бўлиш истаги юқори эди. Аммо 19 ёшимда оғир жароҳат олдим ва шифокорлар менга бошқа иш топишни маслаҳат беришди, — дейди Равшан Эрматов. — Ўшанда дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Футболда қанчадан-қанча орзуларим бор эди. Биласизми, ўша кунларда кимдир менга таскин берди. Бошқаси нима қиласан энди деган саволни ўртага ташлади. Тўғриси, нима билан шуғулланишни ўзим ҳам билмасдим. Мана шундай тушкин бир кайфиятда юрганимда отам, республика тоифасидаги ҳакам Сайфиддин Эрматовнинг тавсияси билан ҳакамлик йўналишида ўзимни синаб кўришга ахд қилдим. Бир-бирига мос бўлмаган соҳаларни бирлаштириш, кўникиш, тақдирга тан бериш осон кечмади, албатта.

Битта мақсад билан ҳаракат қилдим. Бу ҳам бўлса, футболчиликда эришмаган орзуларимга ҳакам сифатида етишиш. Нафақат ўзимизда, балки дунё даражасига чиқиш. Шу вақт давомида инглиз тилини ҳам жиддий ўргандим. Дастлаб Ўзбекистон чемпионати ва Кубоги баҳсларини, кейинчалик халқаро миқёсдаги учрашувларни бошқардим.

2003 йилдан Осиё Чемпионлар лигаси ўйинларида, 2008 йилда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал учрашувида, шунингдек, ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида ҳакамлик қилдим. Уч бора Ўзбекистоннинг, икки марта Осиёнинг энг яхши ҳаками деб топилдим.

ФИФА 2007 йилнинг февраль ойида жаҳон чемпионатида иштирок этиши мумкин бўлган ҳакамларнинг кенгайтирилган рўйхатини эълон қилганди. Гарчи унда менинг номим ҳам бўлса-да, бу ҳали тахминдан бошқа нарса эмасди. Бунга эришиш учун уч йил қаттиқ тер тўкишимизга тўғри келди ва 2010 йилнинг февраль ойида чемпионатда иштирок этадиган ҳакамларнинг аниқ рўйхати эълон қилинди. Унга мен ҳам киритилгандим.

Мундиалнинг очилиш учрашувига тайинланганимизда баъзилар: «Нега энди футболи ривожланмаган мамлакат ҳаками энг масъулиятли учрашувни бошқарар экан?» — деган гапларни айтишди. Биз бу жаҳон футбол байрамида ўзбек ҳакамлик мактабининг нималарга қодирлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Собиқ иттифоқ даврида мундиалларга асосан бошқа республикалар ҳакамлари боришар эди. Бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, бизнинг мундиалда иштирок этишимиз аввало мамлакатимизда футболга катта эътибор берилаётганининг натижасидир.

Президентимиз менга «Ўзбекистон ифтихори» деган номи ҳам, ўзи ҳам жуда юксак унвон берди. Жаҳон чемпионатлари ҳаяжонлари бир бўлса, мукофот тўғрисидаги хушхабарни эшитганимдаги ҳаяжоним бир бўлди. Тўғриси, кўзимга қувонч ёшлари келди. Кўз олдимдан ота-онам, дўстларим, устозларим бирма-бир ўтди.

Фурсатдан фойдаланиб, Юртбошимизга ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликлари учун чексиз миннатдорлик билдираман.

Кўпчилик футбол мутахассислари кейинги жаҳон чемпионатларида финал учрашувини бошқаришим ҳақида гапиришмоқда. Яхши ният, лекин бунинг учун жуда ҳам қаттиқ ишлаш керак. Кейинги мундиал баҳсларигача ҳали вақт бор. Аммо менинг, нафақат менинг, балки халқимизнинг битта ушалмай келаётган орзуси бор. Бу ҳам бўлса, кейинги жаҳон чемпионатларида миллий терма жамоамизнинг иштирок этиши. Ўшанда бутун дунёга Ўзбекистонда нафақат яхши ҳакамлар мактаби, балки ҳақиқий ватанпарвар футболчилар ҳам борлигини исботлар эдик.

Шу ўринда бир гап. Саралаш ўйинларида Япония терма жамоаси билан вакилларимиз сафарда дуранг ўйнашди. Ўша, биз билан дуранг ўйнаган японлар жаҳон чемпионати баҳсларида нимчорак финалгача етиб боришди. Демак, улар қилган иш бизнинг ҳам қўлимиздан келади. Мен бунга ишонаман.

Жаҳон чемпионатида қатнашган ҳакамлар орасида

Равшан Эрматов энг ёш иштирокчи. Сўнгги мундиал баҳсларида бешта учрашувни бошқариб бу борадаги рекордни янгилади. Эрматовгача фақат иккита ҳакам бу каби шарафга лойиқ кўрилган. Футбол мутахассислари уни жаҳоннинг энг машҳур ҳаками, италиялик Пьерлуижи Коллинага қиёслашади. Дарҳақиқат, Эрматовда худди Коллина каби ҳакам учун зарур бўлган барча хусусиятлар мавжуд: кучли жисмоний тайёргарлик, вазиятга тўғри ва тез баҳо бериш, холислик ва учрашувларни таснифга ажратмаслик.

«Самарқанд» сайёраси

Баҳодир Ҳафизов, 1980 йилда Китоб туманида туғилган. Мактаб таълимидан сўнг Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олган. ЎзРФА Астрономия институти илмий ходими.



— Болалигимдан мени осмон ўзига қандайдир сеҳрлаб олганди, — дейди Баҳодир Ҳафизов. — Мактабда астрономия фани ўтилганида само жисмларига қизиқишим янада ортди. Мустақил равишда ўзим ҳам жуда кўп китобларни ўқиб чиқдим. 2003 йил мутахассислигим бошқа бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номли астрономия институтининг Китоб кенглик станцияси Майданак баландтоғ обсерваторияси бўлимига ишга кирдим. Бу ерда Майданак обсерваторияси масъул кузатувчиси сифатида фаолият олиб борямман.

Илмий изланишларим натижасида янги кичик сайёра (астероид)ни кашф этишга муваффақ бўлдим. Бу ютуғимиз Майданак обсерваторияси кейинги йилларда энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида олиб борилган изланишлар маҳсулидир. Бунда Марказий Осиёдаги энг йирик АЗТ 22 русумли бош телескопнинг сезгирлиги жуда юқори бўлган 16 мегапикселли камераси бизга қўл келди.

2007 йилнинг 2 октябрь туни. Ҳамкасбим Алексей Сергеев билан Майданак обсерваториясининг бош телескопи мониторида турғун юлдузлар фонида тез ҳаракат қилаётган осмон жисмини кузатдик. Бир неча кунлик кузатувлар натижасида бу объектнинг осмон координаталарини ва тахминий орбитаси элементларини аниқлаб, ЎзРФА Астрономия институтига юбордик. У ердан бизнинг маълумотларимиз АҚШдаги Гарвард кичик сайёралар марказига жўнатилди.

Лекин ўша пайтда уни ҳақиқатан ҳам янги кичик сайёра деб хулоса чиқаришга ҳали эрта эди. Гап шундаки, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, кичик сайёранинг қуёш атрофида айланиш даври тахминан 4 йилдир. Бу унинг орбитасини тўлиқ аниқлаш узоқ кузатишларни тақозо этади деганидир. Сайёра яна 2 йил узлуксиз кузатилди. Натижада унинг осмон координаталари ва орбитаси элементларини юқори аниқликда топишга муваффақ бўлдик.

Ниҳоят, 2009 йилда Гарвардаги халқаро кичик сайёралар марказидан бу янги кичик сайёра экани ва у энди халқаро каталогларда 210271 рақами билан қайд этилгани тўғрисида хушхабар келди.

Ҳар бир кашфиёт ортида машаққатли меҳнат ётади

Ҳозир маълум кичик сайёралардан бештаси Ўзбекистон номи билан аталади. Булар, «Ўзбекистония», «Авиценна», «Улуғбек», «Беруний» ва «Хоразмий» кичик сайёраларидир.

Ўзбекистонда илк бор очилган кичик сайёрага Президентимиз таклифи билан дунё астрономия фанининг бешиги Самарқанд номи берилди. Бу ҳақда 2010 йил 27 майда чоп этилган Гарвардаги халқаро кичик сайёралар марказининг 70135 сонли циркулярида хабар берилган.

Шу ўринда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият енгилмас куч» асаридаги мана бу воқеага эътибор берайлик. «1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади. Ўшанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим».

Энди буюк Самарқанд номи нафақат она заминда, балки самоларда ҳам абадийлаштирилди.

«Самарқанд» кичик сайёраси ҳақида маълумот

Қуёшдан ўртача узоқлиги: 3.044 астрономик бирлик (1 астрономик бирлик ердан қуёшгача бўлган ўртача масофа, яъни 150 млн. км) ёки тахминан 455 млн. км.
Ердан ўртача узоқлиги: 2.044 астрономик бирлик ёки тахминан 306 млн. км.
Қуёш атрофида айланиш даври: 4.29 ер йили. Тахминий диаметри 840 метрдан 1.9 км гача.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури амалда



ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

Боланинг ёшидан келиб чиқиб: ўргатувчи, согломлаштирувчи ва тарбияловчи вазифаларни бажаради

■ Мактабда синфдошлар билан чиллак, чўп отар каби ҳар хил ўйинларни кўп ўйнардик. Баъзан дарсларимиз тугагач, баъзан эса охирги соатдан қочиб, мактаб биносининг орқа томонига, қумли майдонга ошиқардик. Ёдимда, нимжон, кучсизроқ болаларга бу ўйинларда жуда қийин бўларди. Шунга қарамасдан ҳеч ким ўйиндан бош тортмасди, аксинча, барча бор куч ва иродасини намойиш этишга, нима қилиб бўлса ҳам ўзини кўрсатишга уринарди. Кейинчалик, ўша нимжон дўстларим орасидан ҳатто спорт усталари етишиб чиқди...

Бу ҳақда севимли адибимиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев шундай ёзган эди: **«Оқсуяк, чиллак, тўп, олатаёқ, кўчмак, ҳатто бекинмачоқ ҳам болалар учун наинки ўйин-эрмак, балки ростмана кураш, изланиш-топиш, бу орадаги хафагарчиликлар, ўзларига хос изтироблару ғалаба нашъасини суришлари ҳақида хаёлга толсак, беихтиёр шу фикрга келамиз: «Бу ўйинлар — шунчаки ўйин эмас, бильакс — ҳаёт. Яшаш учун курашнинг ўзига хос кўринишидир».**

Болалар зеҳнини ўстирадиган, иқтидорини тарбиялайдиган, саломатлигини мустаҳкамлайдиган ва бошқа миллатларда учрамайдиган минглаб ўйинларимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тақозоси билан қадимги даврларда пайдо бўлган.

Милоддан аввалги 4-1 минг йилликларга мансуб Қоратоғ (Навоий вилояти)даги Сармишсой расмларида ўйин ўйнаётган кишилар тасвири, милоддан аввалги 2,5-2- минг йилликларда кўҳна Бақтрия (Ўзбекистон жануби)нинг сопол идиш парчасига ишланган икки курашчининг сурати, Афросиёб, Далварзинтепа, Қўйқирилганқалъа сингари қадимий шаҳарларимиздан топилган осори-атиқалардаги кишилар ҳаракатларини ифодалаган шакллар фикримизни тасдиқлайди. XI асрда яшаган тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девони луғотит турк» асарида юздан ортиқ халқ ўйинлари ҳақида маълумот беради.

Замонамиз олимларининг фикрича инсон ўз умри давомида олиши мумкин бўлган барча ахборотларнинг 70 фоизга яқинини беш ёшдан етти ёшгача бўлган даврида олар экан. Агар халқ ўйинларини асосан 5-10 ёшли болалар ўйнашини ҳисобга олсак, уларни фарзанд тарбиясидаги ўрни беқиёсдир. Аммо юртимиздаги таълим муассасалари учун 1991 йилгача нашр этилган ҳаракатли ўйинларга оид ўқув қўлланмаларда ўзбек халқ ўйинлари деярли учрамайди. Сабаби оддий, халқ ўйинларида тарихан шаклланган қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз мужассам. Шу боис, мустабид тузум даврида ўзбек халқ ўйинларига эътибор сусайди. Тўйларда, байрамларда ўтказиб келинган анъанавий ўйинлар, томошалар тақиқланди.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ ўйинларимиз ҳаёт тарзимизга қайтди. Хусусан, 1991 йилда болаларнинг ёшига, жинсига, йил фаслларига монанд қилиб тузилган дастлабки ўқув қўлланма нашр этилди. Мактаб, лицей ва коллежларда, шунингдек, жисмоний тарбия институтлари ўқув режасига фан сифатида киритилди. Шу билан бир қаторда, мактабгача таълим муассасалари учун ҳам адабиётлар яратилди.

— Ҳар бир ўйин боланинг ёшидан келиб чиқиб, уч хил вазифани бажаради, — **дейди педагогика фанлари доктори Талъат Усмонхўжаев.** — Ўргатувчи, соғломлаштирувчи ва тарбияловчи. Энг аввало, улар, хусусан, беш тош ўйини болаларнинг перферик кўриш қобилиятини яхшилайди, нутқини равон қилади, ундаги нуқсонларни камайтиради. Шу билан бирга, хотирани кучайтиради. **«Оқ теракми-кўк терак», «Чучвара қайнайди», «Қуёним, қуёним не бўлди»** сингари ўйинларимиз болаларнинг ўзаро муомала маданиятини, улардаги киришимлилик фазилатини шакллантиради. Бундан ташқари, тўғри қарор қабул қилиш, ноқулай, хатарли вазиятлардан оқилона йўл билан чиқиб кетиш, ботирлик, эпчиллик, зукколик ва албатта, метин ирода ҳамда мустаҳкам интизомни тарбиялайди.

— Ўзбек халқ ўйинлари болаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш воситасидир, — **дейди психолог Феруза Алимова.** — Асосийси, уларнинг руҳиятига ҳар жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатади. Ўйинларнинг ўзига хос ментал хусусияти — уларнинг жамоа бўлиб ўйналишидир. Бу эса болаларимизга биргаликда меҳнат қилишни, кўпчиликнинг фикрига суянишни ва одамлар олдида ўзини қандай тутиш лозимлигини ўргатади. Эътибор берсангиз, аксар ўйинлар соғлом рақобат майдончасига ўхшайди. Яъни, уларда ҳеч кимга озор етказмасдан, бировнинг шаънига тегмасдан, ҳақорат қилмасдан муваффақиятга эришиш лозим. Одатда, бу каби ўйинларни ўйнаган бола ҳаётда баъзан ён бериш, таваккал қилиш, ўрни келганда эса сукут сақлаш кераклигини ўрганади. Айрим ўйинларда болалар ўзларини катталар ўрнига қўяди. Ёш ўғил-қизларда етакчилик сифатини шакллантиришда бу энг яхши усул ҳисобланади. Яна шуни унутмаслик керак, бирор ижтимоий меҳнат билан биргаликда ўйналадиган ўйинлар болалар диққатини, хотирасини, ҳаракат ориентациясини яхшилайди.

— Эндигина ўсиб келаётган, ҳали балоғатга етмаган болаларда кўпроқ уч хил салбий кўринишдаги руҳий ҳолат, яъни аутизм (жамиятдан ўзини четга тортадиган, унинг ичига киришни хоҳламайдиган, тортинчоқ ва заиф), гиперактив (аутизмнинг том маънодаги акси) ҳамда диққат танқислиги синдроми учрайди. Ўйинлар мазкур ҳолатларга барҳам беришнинг энг асосий воситасидир. Мисол учун, бола заиф ёки қўрқоқ. Ундаги бу хусусиятни бартараф этишда «Оқ теракми — кўк терак» ўйини ҳар томонлама қўл келади. Ўзини бошқалардан ожиз деб санайдиган ҳар қандай бола ҳам қаршисидаги кучли рақиблар томонидан ташкил қилинган жонли занжирни югуриб келиб, узиб ташлаши мумкин. Бу эса ўша болада ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

— Ҳаракатли ўйинларнинг соғломлаштирувчи ҳамда гигиеник аҳамияти юқори, — **дейди Тошкент тиббиёт академияси болалар клиникаси врач-педиатри Ибодат Мирҳўжаева.** — Айниқса, томир тонусининг бузилиши, бош оғриши, юракнинг бир маромда урмаслиги, нафас йўлларининг ўткир яллиғланиши, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши каби асосан камҳаракатлилик асносида келиб чиқадиган хасталикларни даволашда ва касалликнинг олдини олишда ўйинлар, турли жисмоний машқларнинг ўрнини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Хусусан, улар марказий асаб тизимини, юракда, мияда қон айланишини яхшилайди, юрак-қон томирларини мустаҳкамлайди, буйрак ҳамда жигарнинг бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Бундан ташқари, бизга мурожаат қиладиган ўнта беморнинг ҳар иккитаси, албатта, сколиоз — умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланишидан азият чекади. Бу, агар улар ҳеч қандай соматик хасталик бўлмаса, асосан, болаларнинг телевизор, уяли алоқа воситаси ёки компьютер қаршисида соатлаб тикилиб ўтиришидан, улардаги меъёрий ҳаракат, жисмоний машқларнинг етишмаслигидан келиб чиқади.

Шифокорнинг сўзлари кишини ўйга толдиради. Бугун юрган йўлимизда интернет-кафе, компьютер ҳамда кўнгилочар «Playstation» (инглизчадан таржима қилинганда «Ўйин майдони» деган маънони англатади) ўйинхоналарга дуч келамиз. Агар ана шундай «маскан»га кириб қолсангиз, мижозларнинг аксари болалар, ўсмирлар эканлигига гувоҳ бўласиз. Уларнинг маънавиятимизга, менталитетимизга, ўзлигимизга зид бўлган турли хорижий кинофильмлар, аллақандай ваҳшийликлардангина иборат бўлган компьютер ўйинларини бир жойда соатлаб ўтириб ўйнаётганига кўзимиз тушади. Бу эса, шифокор таъкидлаганидек, уларни соғлик деб аталмиш бебаҳо неъматдан, қимматли вақтидан маҳрум этади.

Шу боисдан, ҳозирги кунда боғча ва мактабларда миллий ҳаракатли ўйинларни янада чуқур ўргатишга катта эътибор қаратилган. Соҳага оид янгидан-янги ўқув қўлланмалар, китоб ва дарсликлар чоп этилаяпти. Республика таълим марказидаги «Жисмоний камолот ва саломатлик» бўлимининг маълумотига кўра, 2004-2009 йилларда мактаб ўқувчилари учун қирққа яқин методик қўлланма ва тавсиялар берилган. Жорий йилнинг ўзида бошланғич ҳамда 5-9 синфлар учун халқ ўйинлари билан бойитилган жисмоний тарбия дарсликлари чоп этилган. Боғча тарбияланувчилари учун эса «Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия», «1001 кеча» сингари қўлланмалар яратилган. Улар таниқли ўйиншунос олимлар Т.Усмонхўжаев, К.Маҳкамжонов, Ф.Хўжаев, С.Исломова ва Ф.Усмонхўжаев томонидан тайёрланган. Ўз навбатида ҳар бир синфда миллий ўйинлар учун алоҳида дарс соатлари ҳам (чунончи, 1-синфлар учун 38, 2-3 синфлар учун 36, 4-синфлар учун 12 ҳамда 5-7 синфлар учун 2 соат) ажратилган.

Бироқ мутахассислар фикрича мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида халқ ўйинлари бўйича ўтказиладиган дарс соатлари ва машғулотларни кўпайтириш янада яхшироқ самара беради.

— Агар боғча ва бошланғич синфларнинг дастурига тахминан 100 соат жисмоний тарбия дарслари ёки машғулотлар киритилган бўлса, шундан **80-90** фоизини халқ ўйинлари асосида ўтиш керак, — дейди **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти доценти, спорт ва миллий ўйинлар кафедраси ўқитувчиси Меҳри Бекжонова.** — Ушбу кўрсаткич **5-9** синфларда **40-50** фоиз, ўрта махсус билим юртларида эса **5-10** фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Бироқ бу ҳам етарли эмас. Болалар ҳеч бўлмаганда яна бир-икки соат уйида ота-онаси ёки маҳалладаги тенгдошлари билан ўйинлар, жисмоний машқларни бажариб туриши лозим. Шундагина миллий ўйинларимизнинг юқорида айтилган тарбиявий хусусияти тўла-тўкис ўз вазифасини бажарган бўлади.

Ўзбек халқ ўйинларининг беназир хусусияти ҳам шундаки, улар мамлакат тараққиётининг кейинги тақдирини белгилаб берувчи келажагимиз эгаларини **ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ўз истеъдоди, маҳорати, қобилияти, интеллектуал салоҳияти билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган, бир сўз билан айтганда,** ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлайди. Бу борада уларнинг вазифасини бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Таассуфки, буни кўпчилигимиз чуқур англаб етмаганмиз. Ҳатто, айрим ота-оналар болаларига бирор-бир халқ ўйинини тайинли тушунтириб беролмайди.

Зеро, маърифатпарвар педагог Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «Ҳар миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир». Шундай экан, ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг бола тарбиясида асрлар синовидан ўтган халқ ўйинларининг беназир ўрнини тўла англашлари ва ҳаёт тарзида қўллашлари юртимизда баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фан ишлаб чиқаришга

Янгилик

■ Маълумки, жаҳон олимлари чиқиндисиз технология устида иш олиб боришаяпти. Бу технология атроф-муҳит тозалигини таъминлайди. Чиқиндининг ўзидан яна қанча маҳсулотлар ишлаб чиқиш имконини яратади.

Бинобарин, пахтанинг чигитидан истеъмол ёғи ишлаб чиқариш ва ёғ кислотаси ҳосил қилиш жараёнида ҳам жуда кўп миқдордаги гиссипол смоласи ва саопток моддаси ҳосил бўлади. Республикамизда ҳар йили ўртача 20 минг тоннадан зиёд ана шундай гиссипол смоласи йиғилиб қолади. Ёки ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндини олиб кўрайлик. Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳар йили гидролиз корхоналарида икки миллион тоннадан зиёд лигнин чиқиндиси кераксиз маҳсулот сифатида тўпланиб қолади. Лигниннинг бор-йўғи икки фоизи қайта ишланади, қолган қисми эса ёқиб юборилади.

Шу икки турдаги саноат чиқиндисини қайта ишлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу тариқа табиий имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, шу билан бирга, экологик муҳитни яхшилаш ўткир муаммодир.

Урганч давлат университети кимё-технология факультети декани, техника фанлари доктори, профессор Мақсуд Жуманиёзов раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар кўп йилдан буён ана шу муаммони ечиш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш устида тадқиқот олиб боришди. Ва ниҳоят, фанда илк бора ёғ-мой саноати чиқиндиси гиссипол смоласини ҳаво кислороди асосида оксидлаш орқали турли маркадаги қурилиш битуми олиш мумкинлиги исботланди.

Маълумки, металларнинг табиий занглаши оқибатида ҳар йили уларнинг чидамлилиги ўн беш фоизгача йўқотилади. Республикамизда занглашга қарши воситалар асосан хориждан валюта ҳисобига олиб келинарди. Эндиликда зарур компонентлар ўзимизда, яна чиқиндидан ишланиши валюта захирасини тежаб қолмай, хориждан валюта олиб келиши мумкин.

Урганчлик олимларнинг илмий изланишлари самараси бўлган янги кашфиёт ишлаб чиқаришга йўл олган. Республика Миллий нефтгазхолдинг компаниясига қарашли «Муборакнефтгаз» давлат унитар корхонасидаги нефть резервуарларини зангдан ҳимоя қилишда олимлар яратган «Премод» ва «Коррнет» препаратлари синовдан ўтди ва катта иқтисодий самара бериши амалда исботини топди. Ҳозир янги турдаги занг модификаторини «Зарафшон — Учқудуқ» газ қувурида синовдан ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Айни вақтда янги маҳсулотларни саноат миқёсида кенг ишлаб чиқариш учун «Урганч ёғ» ОАЖда ҳар йили минг тонна чиқиндини қайта ишловчи тизимни шакллантириш ишлари поёнига етмоқда.

Олимларимиз яратган саноат чиқиндиларидан олинаётган турли маҳсулотлар ва занга қарши модификатор чет элда яратилган шу хилдаги воситалардан ҳар томонлама устун ва афзал. Бу мутахассислар томонидан эътироф этилди. Биз эса бу юртимизда илм-фан ривожига катта эътибор қаратилгани натижаси деб биламиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тиббиёт



Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Чимбой туманида 15 қишлоқ врачлик пункти, кўп тармоқли поликлиника, 16 амбулатория ва туман тез тиббий ёрдам бўлимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жараёни изчил давом этаётир. Шу билан бирга туман тиббиёт бирлашмаси томонидан шифокор ва ҳамшираларнинг малакасини ошириш, ташхис қўйиш ва даволаш ишларини янги сифат босқичига кўтариш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Меҳнат ярмаркаси

Ижтимоий ҳимоя

■ Шўрчи туман ҳокимлиги прокуратура, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказди.

Бу йил саккизинчи бор ўтказилаётган ярмаркага иш билан банд бўлмаган, хусусан, қуролли кучлардан захирага бўшатилган йигитлар ва коллежларни битирган ёшлар таклиф этилди.

— Бу йил туманда фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежларини 1 минг 536 нафар ёшлар битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олди, — дейди Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Зиёдулла Қурбонов. — Уларнинг асосий қисми ўз иш ўринларига эга бўлди. Қувонарлиси шундаки, бугунги тадбирда қўшни туманлардан келиб, Шўрчидаги илм масканларида таълим олган ёшлар ҳам ўзлари яшаб турган ҳудуддаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотга эга бўлишди.

— Бу йил Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомладим, — дейди Даврон Хўжамқулов. — Ярмаркада қатнашиб, кичик ва ўрта бизнес коллежига ишга қабул қилиндим. Бундай ғамхўрлик ва эътибор одамни ўзгаларга яхшилик қилиб яшашга ундайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т.р.	Объект номи	Бошланғич қиймати (млн. сўм)	
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан
1.	«Жиззах шаҳридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Жиззах бўлими биносини реконструкция қилиш»	203,265	243,918
2.	«Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Пахтакор шаҳридаги туман молия бўлими биносини капитал таъмирлаш»	260,323	312,388

Ишларни тугаллаш муддати: 2010 йил 30 декабргача
Ишларни молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси.
Телефон: (8372) 226-40-78.
Факс: (8372) 226-28-54.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига,ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона.
Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

Ватан ҳимояси — олий шараф

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамда Миллий академик драма театри ҳамкорлигида «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Юксак маънавиятли халқ

енгилмас, бугуни, келажаги буюк халқдир

Тошкент Олий Умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган мазкур учрашув Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтди. Унда иштирок этган маданият ва санъат арбоблари ҳамда билим юрти курсантлари Мустақиллик моҳияти, юрт фарзандларининг ватан олдидаги бурчлари ҳақида фикрлашдилар.

— Мустақиллик ва маънавият тушунчалари кўпчиликка бугун бир қарашда оддий ҳодисадек кўриниши мумкин, — деди Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов. — Аммо кечаги тарихимиз, ўша сабоқли кунларимизни эсласак, давлат, энг муҳими, халқ мустақиллиги нима эканини яхшироқ англаймиз, қадрини тушунамиз.

Бугун мамлакатимизда инсон қадри юксалмоқда. Шахс маънавиятини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Агар эътибор берадиган бўлсак, мустақиллигимизгача бўлган луғатларда, маданий-маърифий адабиётларда «маънавият» сўзига, миллий ғурур тушунчасига урғу берилмасди. Чунки бу сўз ва тушунчалар ортида халқимиз қалби, миллатимиз виждонида жон сақлаётган бир эзгу куч яширинган эди. Ниҳоят, бу кучни халқимиз томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида кўрмоқдамиз, дунё ҳам бунга амин бўлмоқда.

Бугун ёшлар таълим-тарбиясида маънавият ва миллий ғурур мавзуларига жиддий эътибор қаратилмоқдаки, бу ҳам юрт равнақи, миллатнинг маънавий тақдири, келажаги билан чамбарчас боғлиқдир.

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида халқимизнинг тарихий хотирасини тиклашга ҳаракат қилинганида ҳам чуқур маъно бор, — деди Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али. — Бизнинг миллат сифатидаги хотирамизда муқаддас куч, мўътабар қувват мужассам.

Сиёсат, илм-фан, дин ва маънавият соҳаларида инсоният салоҳиятига улуш қўшган боболаримиз, уларнинг Ватан олдидаги хизмат ва жасоратларини эслаш, эъзозлаш орқали ўзимиз учун энг муҳим бўлган нарсани, яъни миллат фарзандининг азизлиги Ватанига, халқига хизмати билан ўлчанишини ўрганамиз, сабоқ оламиз.

— Бугун Ватан мустақиллиги, унга хизмат қилиш нақадар шарафли вазифа эканини тобора чуқурроқ англадим, — дейди Тошкент Олий Умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Отабек Абдиев.

Келгусида Она юртимиз обрўси ва равнақи йўлида ўз зиммамга тушадиган вазифани виждонан адо этишга интиламан.

Биз мамлакатни нафақат қуролли, балки маънавий, ғоявий таҳдидлардан ҳам асрашга тайёр туришимиз зарур. Бугунги суҳбатдан яна бир бор англаб етдимки, юксак маънавиятли халқ енгилмас халқдир, бугуни ва келажаги буюк халқдир.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Ҳунарли ва иш ўрнига эга ёшлар

жамият ҳаётида фаол иштирок этишмоқда

Бандлик

Гулистон академик лицейни битирган Гулҳаё Ўктамқулова ҳужжатларини пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан бирига топширди. Аммо омади чопмади. Атиги 0,6 балл етмади. Уйига қайтди. Унинг бекор юрганидан хабар топган Сирдарё вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Рустамбек Турдиев ёшлар етакчиси билан суҳбатлашди.

Биз унинг ҳузурига кириб борганимизда, айнан Гулҳаёни ишга жойлаштириш масаласи муҳокамаси бўлаётган экан.



— Гулҳаё ҳаракатчан, изланадиган қизларимиздан, — дейди бошқарма бошлиғи Рустамбек Турдиев. — Ёшларга йўл кўрсатиб, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш бизнинг бурчимиз. Сирдарёнинг билимли, ҳунарли ёшлари жамиятимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб, ажойиб инсонлар бўлиб етишишига ишонаман.

Дарвоқе, Гулҳаёни ишга жойлаштириш масаласи ҳал бўлди. У энди шўъба корхонасида ишлайди.

Шу ўринда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида коллежларни битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталсак.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида таълим муассасаси раҳбарлари, масъул шахслар, бандликка кўмаклашувчи марказлар, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, йирик ташкилот ва корхоналар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мониторинг ўтказилиб, маълумотлар таҳлил этиб борилмоқда.

Вилоятда 2009-2010 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини жами 13020 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, шунинг 12256 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Битирувчиларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўташ бўйича ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида корхоналар, ташкилотлар ва таълим муассасалари ўртасида 9817 нафар (80,1 фоиз) иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар) билан уч томонлама шартномалар тузилди.

Иш билан таъминлаш бўйича вилоятда 24 та ярмарка ўтказилиб, 993 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисига махсус йўлланма берилди.

«Микрокредитбанк» вилоят бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш жараёни амалга оширилди. Натижада 188 нафар битирувчига 188 миллион сўм кредит маблағлари берилиб, ҳозир улар турли йўналишда фаолият бошлашди.

Давлат тест синовидан ўта олмаган, бандлиги таъминланмаган битирувчиларни ишга жалб этиш бўйича вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда уларни корхона ва ташкилотларга бириктириш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқилди.

Ёшларга илм бериб, касбкорли қилиш учун жамоамиз доимо изланишда, — дейди Сардоба туманидаги «Бўстон» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллеж директори Кўчимбой Болтаев. — Коллежимиз 450 ўринли бўлиб, беш йўналиш бўйича мутахассис тайёрлайди. Коллеж қошида паррандачилик хўжалиги ва биолаборатория ташкил этилган. Беш гектар тажриба участкамиз бор. 42 нафар ўқитувчининг ҳаммаси олий маълумотли.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш доимо диққат-марказимизда. Бугунга келиб уларнинг 67,8 фоизи иш билан таъминланди. Яна 58 нафари 20 сентябргача ишга жойлаштирилади. Беш нафар битирувчига бир миллион сўмдан кредит ажратилди. Энди улар чорвачиликни ривожлантириш билан шуғулланади.

Коллежларни битириб, катта ҳаётга қадам қўяётган сирдарёлик ёшларнинг шижоати эътиборга лойиқ. Нимага десангиз, уларни қўллаб-қувватловчи инсонлар бор.

(Ўз мухбиримиз)

Иш унумдорлиги ошмоқда

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

Хоразм вилояти Боғот туманидаги МЧЖ шаклидаги «KOTTONTEX» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришмоқда.

Жумладан, ўтган йили 3 миллиард 155 миллион сўмлик, яъни 1948 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган. Жорий йил якунида бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда. Негаки, шу йилнинг биринчи чорагидаёқ 732,6 тонна маҳсулот тайёрланди.

— Кейинги йилларда маҳсулотларимизга бўлган талаб кўпайиб, экспорт салоҳияти ҳам тобора ошиб бормоқда, — дейди корхона директори Ғайрат Жуманиёзов.

— Масалан, 2009 йилда хорижий шерикларга жами 2 миллион 486 минг АҚШ доллари миқдорида товар экспорт қилинган бўлса, шу йилнинг дастлабки ярим йилида бу кўрсаткич 1 миллион 926 минг долларни ташкил этди.

Келгусида меҳнат унумдорлиги бундан-да оширилиб, янги иш ўринлари очиш ҳам режалаштирилган.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Соғлом турмуш тарзи — саломатликнинг бош гарови...»

дейди Андижон вилоят психоневрология диспансерининг олий тоифали шифокори Муаттархон Каримова

Тиббиётимиз фидойилари

Шифокорлар ҳақида гап кетса, аввало, уларнинг билими, тажрибасига қараб баҳо берилади. Аммо шундай беморлар борки, уларни даволаш шифокордан ўта хушмуомалалик ва фидойиликни талаб этади. Муаттархон Каримова ана шундай мураккаб ва масъулиятли вазифада меҳнат қилиб келаётганига қарийб ўттиз йил бўлаяпти.

— Асаб тизимига путур етган одамда эртанги кунга ишонч сўнади, тушкунликка тушиб қолади, — дейди у. — Шу боис, улар билан суҳбатлашганда кўнглини кўтарадиган, тузалиб кетишига ишонч уйғотадиган гапларни топиб айтиш керак. Беморни бунга ишонтирсангиз, уларда соғайишга интилиш бошланади.

Шифохонада бўлганимизда, Муаттар Каримова ҳақида ҳамкасблари самимий гапларни айтишди.

— У киши ўз касбининг фидойиси, — дейди 3-бўлим бошлиғи Азизбек Ҳамроқулов. — Ҳар бир бемор билан тиббий муолажадан ташқари алоҳида суҳбатлар олиб боради. Ва ижобий натижага эришади. Опанинг шу услубидан биз ҳам фойдаланамиз.

— Муаттархон опа яхши шифокор ва талабчан устоз, — дейди 3-бўлим бекаси Санобархон Долимова ва катта ҳамшира Зоҳидахон Отабоева. — Устоздан бемор кўнглига йўл топа билиш, ишга масъулият билан ёндашиш, касбимиздан фахрланишни ўрганганмиз.

— Оиламиз бошига қулфат тушиб, автоҳалокат туфайли навқирон ўғлимиздан жудо бўлдик. Бу кўргиликни кўтара олмай келиним... шу оғир дардга йўликди, — дейди 50 ёшни қоралаган эркак оғир хўрсиниб. Кейин ёнидаги 5-6 яшар болага юзланди. — Неварам билан келинимнинг аҳволидан ҳар куни хабар оляпмиз. Ҳозир соғлиғи анча яхши...

Шу пайт Муаттар Каримова келиб қолди.

— Дўхтир ая... — болакай шифокорга талпинди. — Мен ойимни олиб кетишга келдим. Кеча айтдингиз-ку, «Эртага ойинг яхши бўлади...» деб.

— Ия, полвон, бугун барвақтроқ кепсанми? — деди шифокор боланинг майин сочини силаб. — Ойингнинг аҳволи яхши, бугун уйга олиб кетасан. Муолажани уйда давом эттирса бўлади, юринг, дори-дармонларни ёзиб бераман.

— Бир ойдан кейин яна тиббий кўрикдан ўтказамиз, хавотир олманг, қишлоқ врачлик пункти шифокорлари назоратга олишади...

Хонага ёшгина жувон кириб келди-да:

— Раҳмат, дўхтир, — деди у оҳиста товуш билан. — Болаларимни, уйимни соғиндим, раҳмат, ҳаммаси учун!

— Санобар, — сиз оилангиз, болаларингиз учун кераксиз, ўзингизни асранг, — деди врач.

Аёл боласини етаклаб чиқиб кетди...

— Инсон руҳиятига кўп нарса боғлиқ. Беморнинг руҳияти қанча тетик бўлса, дард тез чекинади. Врачнинг маслаҳат ва тавсияларига амал қилиш, дори-дармонларни вақтида ва тўғри қабул қилиши хасталикдан тузалишида муҳим ўрин тутади. Иш тажрибамда кўп кузатганман, руҳий тушкунлик, ишдаги кўнгилсизликлар, асаббузарлик, фалокатга йўлиқиб асаб хасталигига чалинган беморлар атрофдагиларнинг мадади туфайли бу дарддан холи бўлади, — дейди Муаттархон.

Сухбатимиз чала қолди. Навбатчи ҳамшира хонага бир бемор йигитни бошлаб кирди.

Кузатиб турдик, йигит жуда асабий. Муаттар Каримова у билан холи қолди ва узоқ суҳбатлашди. Бемор йигит бошини чангаллаб анча вақтгача сукут сақлади, кейин тинчланиб қолди...

Йигитни палатага олиб чиқиб кетишди.

— Депрессия! — деди дўхтир. — Оғир руҳий тушкунликка тушиб қолган, қўлида гулдай ҳунари бор экан — ёғоч ўймакорлик! Ичкиликбозлик, оиладаги носоғлом ҳаёт сабабли шу аҳволга тушибди. Бундай ҳоллар ҳам учраб туради.

Кези келганда, мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, маҳалла, оила, иш жойидаги жанжаллар, бўлар-бўлмасга ўзаро асаб бузишлар, спиртли ичимликларни сурункали ичиш каби нохуш ҳолатлар асаб тизимига путур етказади, уни тиклаб бўлмас даражада «емиради», оқибатда, одам руҳий хасталикка чалинади...

Одамлар кўпинча савол беришади, бу хасталикдан қандай сақланиш керак, дарддан бутунлай соғайиш мумкинми?

Устозларим Марс Усмонов, Адила Енилевалар: «Бемор билан тил топишсанг касални енгиш мумкин», дея ўгит беришарди. Шундай кезлари беихтиёр бир ҳикоят ёдимга тушади. Юз ёшни қоралаган, тани дард кўрмаган бир нуроний донишманддан сўрашибди.

— Узоқ ва соғлом яшашнинг сири нимада?

Донишманд шундай жавоб қилибди:

— Ҳасадгўй бўлманг, ғаразгўйлик қилманг — мингга кирасиз, бировга ёмонлик тиламанг — қаддингиз букилмайди. Ўзганинг дилини оғритманг, осуда ухлаб ором оласиз, бахиллик қилманг, бой бўласиз, кечиримли ва ширинсўз бўлсангиз — ҳеч қачон ғам кўрмайсиз, одамларга меҳр-оқибат кўрсатсангиз ўзингизнинг ва ўзганинг Аллоҳ берган неъмати — соғлиғини сақлайсиз.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

А.ТОШМАТОВ олган сурат.

Муаттархон Каримова шифохонанинг бир гуруҳ шифокорлари даврасида.

Йўллар равонлашди

Бунёдкорлик

Яккабоғ туманидаги йўл хўжалиги пудрат таъмир ва фойдаланиш давлат корхонаси жамоаси республика аҳамиятидаги 74 км ва маҳаллий аҳамиятга молик 160 км узунликдаги автомобиль йўлларининг ҳолатини яхши сақлаш ва таъмирлаш ишларини бажаради.

— Албатта, йўлларнинг ҳолатини яхши сақлаш, транспорт қатнови аниқ маромда кечишини таъминлаш катта масъулият талаб этади, — дейди корхона раҳбари, ЎзХДП аъзоси Искандар Бўриев. — Шу боис, йилнинг биринчи ярми натижасига кўра ўттиз миллион сўмга яқин соф фойда олишга эришилди. Жамоамиз аъзолари ҳамиша ўз вазифасини ҳалол, виждонан адо этиб ўрганишган. Бу эса доимо ишларимизнинг олға силжишига ёрдам бераяпти. Жорий йилнинг етти ойи давомида давлат аҳамиятидаги йўлларимизда 60 млн. 978 минг сўмлик турли хил ишларни амалга оширган бўлсак, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларда 101 млн. 215 минг сўмлик юмуш бажарилди. 4К-286 автомобиль йўлининг 10-14 км йўл қисмини тўлиқ таъмирлаш ишларини бажарган бўлсак, худди шундай ишлар 4К 283 автомобиль йўлининг 19-23 км да ҳам амалга оширилди. Бундан ташқари, ички хўжалик йўлларини таъмирлаш ва қуриш учун 101 млн. 940 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, барча қишлоқларнинг ички йўлларини таъмирлаш ишлари ҳам мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида якунига етказилади.

Яккабоғ тумани тоғ олди ҳудуди бўлганлиги учун катта сел ва жалаёмғирлар бўлиб туради. Бу йил ана шундай табиий офат оқибатларини тугатиш учун 380 млн. сўм маблағ ажратилди. Хуллас, йил охирига қадар 1 млрд. сўмдан ошиқроқ ишларни бажариш режалаштирилган. Корхона истиқболининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бир неча йиллардан буён ишламай ётган асфальт цехи қайта таъмирлаб, ишга туширилди. Бу ҳам корхона иқтисодининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 300 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 350-400 минг сўмга етказилди. Албатта, қаерда моддий манфаатдорлик юқори бўлса, ўша жойда иш унумдорлиги ҳам юксак бўлади.

Абдурасул ПАРДА

Aziz yurtdoshlar!

Sizni O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 19 yilligi bayrami bilan samimiy muborakbod etamiz. Sizga uzoq umr, sihat-salomatlik, oilangizga farovonlik tilaymiz, yurtimiz ravnaqi yo'lidagi barcha ezgu maqsadlaringiz ro'yobga chiqsin.

Istiqlol ayyomi Sizga baxt keltirsin, omad hamisha hamrohingiz bo'lsin!

InfinBANK

«Косондонмаҳсулотлари қабул қилиш» масъулияти чекланган жамият жамоаси

Азиз ватандошларимизни Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

Беруний туман филиали жамоаси

азиз юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг **19 йиллиги билан** чин қалбдан қутлайди!

Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омад тилайди!



«ЎЗБАТ» А.О ОАЖ ҚК жамоаси

19

барча юртдошларимизни қутлуғ айём — Истиқлолнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан муборакбод этади!

Севимли диёримизнинг гуллаб-яшнаши, ривожланиши йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз самарали бўлаверсин!

Қашқадарё вилоят «КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ» хусусий корхонаси жамоаси

Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади!

Хонадонимиздан тинчлик, рўзғоримиздан қут-барака аримасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Меҳнат қилган муродига етади, —

дейди зарбдорлик Абдухолиқ Пардаев

Мустақиллик — менинг тақдиримда

Пардаевлар оиласини нафақат Зарбдор туманида, балки Жиззах вилоятида кўпчилик яхши билади. Хўш, бу оила бошқа оилалардан нимаси билан фарқ қилади? Тўғри, бир қарашда. ҳамма оилаларга ўхшайди: қасрмонанд ҳовли-жойга, қўша-қўша чет эл машинасига, қўра-қўра қўй-қўзию мол-ҳолга эга эмас. Бу оиладаги аҳиллик, ўзаро иззат-ҳурмат ,одоб-ахлоққа асосланган ва кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган соғлом муҳит, очиғи, ўша дабдабали оилаларда учрамайди.

Донагул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Абдухолиқ Пардаев турмуш ўртоғи Янглиш ая ва невараси билан.

Оила бошлиғи, «Шуҳрат» медали соҳиби Абдухолиқ ота етмиш бир ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳали бардам ва тетик. Бундан эллик йил муқаддам умид билан бир ёстиққа бош қўйган Янглиш ая билан ўғил-қизларини оқ ювиб-оқ тараб вояга етказишди, мустақил ҳаётга йўллашди. Муҳими, фарзандлари меҳнатсевар, ҳунарманд, ўқимишли, элим-юртим, уйим-жойим деб ором билмайди.

— Оила — жамиятнинг таянчи, унинг бир бўлаги, — дейди отахон жилмайиб. — Яхши оилаларда ҳамманинг ўз ўрни, мавқеи бўлади. Ота-она учун оила қўрғонини мустаҳкам сақлаш баробарида фарзандларни ўстириш ва тарбиялаш жиддий ва масъулиятли иш ҳисобланади. Тарбия жараёни жуда мураккаб. Сиз ўғил ёки қизингиз билан гаплашаётган, бирон нарсани ўргатаётган ёки бирон юмуш буюраётган пайтингизда унга тарбия бераяпман деб ўйламанг. Улар ҳар бир лаҳзада тарбия топиб боради. Бола қалбига ҳеч нарса ибратдек кучли таъсир кўрсатмайди. Барча ибратлар ичида ота-она ибратидан чуқурроқ ва таъсирчан тарбия омили йўқ.

Ота-она ибратидан баҳраманд бўлган ва уларнинг ўгитини олган, бир пайтлар отасининг ёнида деҳқончилик қилиб юрган болалар эндиликда ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишган. Оиланинг катта фарзанди Абдураҳмон олий маълумотли иқтисодчи, кейингиси Абдунаби иқтисод фанлари доктори, профессор. Бири — олим, бири масъул лавозимда ишлайди.

— Тартиб-интизомнинг энг зўр мактаби, бу, оилада экан, — дейди тўнғич фарзанд Абдураҳмон. — Биз аввало ана шу тартиб-интизомни, ҳалолликни, ростгўйликни, меҳнатга меҳр қўйишни ўргандик. Отамиз ҳам, онамиз ҳам гўдаклигимиздан тартибли, интизомли қилиб тарбиялашди. Биласизми, бекорчи вақтимиз бўлмасди. Эсимда: ҳовлимизда ҳар доим 5-10 та қўй-қўзи турарди. Ҳали 6-7 ёшимдаёқ уларни далада-даштда боқиб келардим. Укаларим, сингилларим ҳам шундай улғайишган. Оиламизда бу ўғил боланинг иши, буни қиз бола қилиши керак, деган тушунча бўлмаган. Ҳаммамиз ҳар қандай ишни қилиб кетаверардик. Отамизга, онамизга ёрдамимиз тегаётганидан қувонардик. Қўлимиз бўшаши билан дарс тайёрлардик, китоб ўқирдик. Қўйларни боқишга кетсак, белимиздаги белбоғимизда, албатта, битта нон билан китоб бўларди. Кейинчалик билсам, бизларни ота-онамиз шу йўл билан маърифатга ундаган экан. Шу боис, улардан миннатдормиз. Бугун ўзимиз ҳам қайсидир маънода фарзандларимизни шу тартибда вояга етказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Абдухолиқ отага ҳам, Янглиш аяга ҳам осон бўлмади. Ҳаёт уларни жуда кўп синовларга, машаққатларга дучор қилди. Ҳар иккаласи иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлиб еттинчи синф маълумоти билан қолиб кетишди. Ёшликлари Сирдарё ва Жиззах чўлларида заҳматли меҳнат билан ўтди. Ер чопишди, ариқ қазишди, сувчилик қилишди, ертўлаларда, чайлаларда яшашди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, тиним, ҳаловат билмай ишлашди. Лекин сира бири икки бўлмасди, топгани рўзғордан ортмасди. Қолаверса, у замонда қашшоқлик фазилат ҳисобланарди. Истиқлолдан кейин тушунчалар ўзгарди, минглаб, миллионлаб меҳнаткаш оилалар қатори бу оила ҳам фаровонлик учун курашди, хонадонга файзу барака кирди.

— Акангиз билан не-не кунларнинг гувоҳи бўлмадик, — дейди яқин ўтмишни эслаб Янглиш ая. — Айтаверсак, эртак деб ўйлайсиз. Замон оғир. Нима бўлса ҳам болаларимизни ўқитамиз, деб ният қилган эдик. Шукурки, Мустақиллик туфайли ниятимизга етдик. Ахир, олдинги замон бўлганида биздай оддий деҳқоннинг болалари катта-катта ўқишларда ўқиб, профессор бўлармиди?

Дарҳақиқат, бу оила асосан Мустақиллик йилларида оёққа туриб олди. Болалар бирин-кетин Тошкент ва Самарқанддаги, хориждаги олий ўқув юртларида таълим олишди. Бугун турли соҳаларда меҳнат қилишаяпти. Абдухолиқ ота билан Янглиш ая эса фарзандлари иқболини, невара-чеваралари бахтини кўриб, шундай кунларга етказгани учун Яратганга шукрона айтиб яшамоқда. Фарзандлару неваралар ортидан келаётган яхши гаплар, мақтову олқишлар уларга куч бағишламоқда, руҳларига енгиллик, дилларига ғурур ҳисларини солмоқда.

— Бахт меҳнатдан келади, болам, — дейди бир умр деҳқончилик қилиб келган пиру бадавлат отахон. — Ҳар кишики, меҳнат қилса, албатта, муродига етади. Меҳнат бизга Одам Атодан мерос, ҳалоллик, иймон ҳам. Тасаввур қилинг: машаққат чекиб, тер тўкиб, боғ яратдингиз. Унинг мевасини бугун бўлмаса, эртага кўрасиз, сиз кўрмасангиз, фарзандларингиз кўради. Ўғил-қиз ўстириш ҳам шунга ўхшайди. Оила эса баркамол авлод тарбиялаб вояга етказадиган бешик бўлади. Болага ҳадеб панд-насиҳат қилиш доим ҳам кутилган самарани бермайди. Уларга инсоний фазилатларни, одамийликни амалда кўрсатиш, доимо ибрат бўлиш зарур.

Отахоннинг гапларини тинглаяпман-у, ораста ва обод ҳовлига разм соламан: ҳамма нарса жой-жойида, ортиқча ҳеч нарса йўқ. Оддий, бежирим уй, нарирокда меҳмонхона, бир четда ошхона, қўздан пана жойда ҳаммом, этақда молхона. Уй олдида турфа хил гуллар барқ уриб очилган. Теварак-атрофни жамбулу райҳоннинг хўшбўйи тутган. Ишкомда шиғил-шиғил узум тилладай товланади, олма дарахтининг шохлари ҳосил солмоғидан ларзонларзон эгилган...

Ҳақиқий ўзбек хонадони, ўзбек ҳовлиси. Озодлик бундай оилаларга ажиб бир ўзига хосликни, чинакам миллийликни, шунинг баробарида тўкинликни, фаровонликни, энг муҳими, файзу тароватни қайтариб берди, десак, ўйлайманки, хато бўлмайди...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Юртимизда ўтказилаётган уч босқичли мусобақалар

баркамол авлодни тарбиялаш ва катта спортда ғалабаларга эришишда порлоқ йўл экани Сингапур олимпиадасида яққол кўринди

Эрамиздан 776 йил аввал қадим Юнонистонда асос солинган, 1896 йилда Греция қайта тикланган Олимпия ўйинлари тарихида янги даврни бошлаб берган ўсмирлар ўртасидаги I ёзги олимпиада якунланди.

Агар дунёнинг бундай нуфузли спорт мусобақаси 14-18 ёшли ўғил-қизлар ўртасида тўрт йилда бир марта ўтказилишини ҳисобга олсак, инсон умрида бир марта шундай олимпиадада қатнашиши мумкин. Шу боис, Сингапур олимпиадасининг ҳар бир қатнашчиси уларни баркамол қилиб тарбиялаган ота-она, мураббий-устоз, миллат, халқ ва Ватан билан фахрланишга ҳақли.

Муросасиз ва шиддатли кечган саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтиб, дунёнинг ана шундай тарихий олимпиадасида ўзбекистонлик ёшлар қатнашганлигининг ўзи ҳар биримизнинг қалбимизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Маълумки, катталар ўртасидаги олимпиадада бир неча марта қатнашса бўлади. Ёш чегараси йўқ. Фақат олимпиада йўлланмаси қўлга киритилса кифоя. Шу боис, биринчи уринишда олимпиада медали қўлга киритилмаса, тайёргарлик кўриб кейинги олимпиадаларда муваффақият қозониш мумкин. Ўсмирлар олимпиадасида эса, бундай имконият қатнашчига бир марта берилади: ё шу олимпиадада медаль олади, ё ҳеч қачон. Чунки ёшдаги чеклаш туфайли у кейинги ўсмирлар олимпиадасида қатнаша олмайди.

Фахр-ифтихор билан қайтақайта таъкидлашни истардик, Мустақил Ўзбекистон ёшлари Сингапур олимпиадасининг САККИЗТА МЕДАЛИ билан тақдирланишди. Олимпиаданинг кумуш медали билан шарафланган Нурбек ҲАҚҚУЛОВ (юнон-рум кураши), Мансурхўжа МЎМИНХЎЖАЕВ (дзюдо), Аҳмад МАМАЖОНОВ (бокс), бронза медали билан тақдирланган Руслан КОМИЛОВ (юнон-рум кураши), Нилуфар ГАДОЕВА (аёллар кураши), Диёрбек ЭРГАШЕВ (эркин кураш), Зоҳиджон ҲУРБОЕВ (бокс) ва Сардор БЕГАЛИЕВ (бокс) номлари Олимпия ўйинлари тарихига, мамлакатимиз спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Ҳа, ўсмирлар олимпиадасида қўлга киритилган ҳар бир медалнинг салмоғи баланд. Шу боис мамлакатларнинг олимпиада умумий медаллар сонига кўра эгаллаган ўринларини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.Бу жадвалдан кўриниб турибдики, юртимиз ёшлари олимпиаданинг 8 та медали билан мусобақаларда қатнашган 204 та давлат, унда медалларни қўлга киритган 100 мамлакат вакиллари ўртасида фахрли 20-ўринни эгаллади.

Бизга қувончли лаҳзаларни ҳадя этган Сингапур олимпиадаси ниҳоясига етди. Навбатдаги ўсмирлар ёзги олимпиадаси 2014 йилда Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлади. Дунёда ўхшаши йўқ мамлакатимиздаги уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» маҳорати тобланадиган юртимиз ёшлари албатта Нанкин олимпиадасида янада яхшироқ натижаларга эришишади.

Асрор МЎМИН

Умумий медаллар сонига кўра давлатларнинг Сингапур олимпиадасида эгаллаган ўрни

№	Давлат	О	К	Б	Жами
1.	Хитой	30	16	5	51
2.	Россия	18	13	11	42
3.	Украина	9	9	15	33
4.	Австралия	8	13	7	28
5.	Германия	4	9	9	22
6.	АҚШ	4	9	8	21
7.	Италия	5	9	5	19
8.	Жанубий Корея	11	3	4	18
9.	Венгрия	6	5	5	16
10.	Япония	7	5	3	15
11.	Франция	6	2	7	15
12.	Куба	9	3	2	14
13.	Канада	3	1	8	12
14.	Испания	1	4	6	11
15.	Туркия	1	3	6	10
16.	Буюк Британия	3	1	5	9
17.	ЖАР	2	4	3	9
18.	Озарбайжон	5	3	0	8
19.	Ҳиндистон	0	6	2	8
20.	ЎЗБЕКИСТОН	0	3	5	8

Изоҳ: Жадвалда икки давлат вакиллари иштирокида қўлга киритилган медаллар сони ҳисобга олинмаган.



Хорижда

Ядро синовларига мораторий

эълон қилишга чақирди

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун дунё ҳамжамиятини ҳар қандай ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома кучга киргунга қадар барча турдаги ядро синовларига мораторий эълон қилишга чақирди.



Маълумки, «Новости» АА хабарига қараганда, ҳар қандай ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома 1996 йил 24 сентябрда дунё давлатлари томонидан имзолаш учун халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этилган. Ҳозирги кунгача 165 та давлат бу шартномани имзолаган, шу жумладан, ядро қуролига эгалиги расмий тан олинган 5 та давлат ҳам. 91 та давлат эса шартномани имзолагач, уни ратификация қилган. Улар орасида ядро ҳукмронлигига эга Россия, Буюк Британия ва Франция ҳам бор.

Шартнома кучга кириши учун ядровий муносабатлар соҳаси бўйича ривожланган 44 та мамлакат уни ратификация қилиши лозим. Аммо ҳозирги пайтгача бундай ривожланган мамлакатлардан 31 тасигина ратификация қилган. Ядровий кучга эга Ҳиндистон, Покистон ва Шимолий Корея давлатлари эса шартномани ҳатто имзоламаган ҳам.

Ушбу шартнома 2012 йилдан кучга кириши лозим.

Утилизация дастурининг ижроси

келгуси йил кузда якунланади

Жорий йилнинг 8 мартидан кучга кирган Россия Федерациясининг эски автомобилларни утилизация қилиш дастури ижроси келгуси йилнинг кузида якунига етказилади. Россия Саноат ва савдо вазирлигининг Автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалик машина қурилиш департаменти директори Алексей Раҳмонов берган маълумотга асосланиб, «РБК» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Директорнинг гапига қараганда, шу кунгача утилизация қилинган машина эвазига имтиёзли нархда янги машина сотиб олиш ҳиссаси умумий автомобиль савдосининг 7-8 фоизига етиб қолди. Яъни, 230 мингдан ортиқ савдо-харид шартномаси имзоланган. 120 мингдан зиёд мижоз эса утилизация эвазига янги машиналик бўлди.

Агентликнинг эслатишича, эски автомобилларни утилизация қилиш давлат дастури ижроси учун ҳукумат томонидан 10,5 миллиард рубль миқдорида маблағ ажратилган. Август ойи бошларида эса яна 10 миллиард рубль миқдорига тенг қўшимча маблағ мазкур дастур ижроси учун йўналтирилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Пенсионерлар учун имтиёз

бекор қилинади

Кубалик пенсионерлар шу пайтгача бир ойда 4 қути сигаретани имтиёзли нархда сотиб олиш имкониятидан фойдаланиб келишарди. Бу имтиёз ҳар бир қути сигарета баҳосининг 75 фоизлик нархига тенг, дейилади «BBC News» хабарида.

Умуман олганда, 55 ёшдан ошган барча кубалик фуқаролар сигаретани имтиёзли баҳода сотиб олиш имкониятига эга эди. Шу йилнинг сентябридан бу имтиёз бекор қилинадиган бўлди.

«Granma» газетасининг расмий хабарида баён этилишича, имтиёзни бекор қилишдан мақсад давлат маблағини иқтисод қилишдир. Бундан ташқари, сигарета учун имтиёзни бекор қилиш мамлакатдаги барча имтиёзларни бекор қилиш дастурининг бир қисмидир.

Ўтган йилнинг ноябрида амалда қўлланиб келинган картошка ва нўхот учун имтиёз ҳам бекор қилинган.

Ажал чангали

унга қарши биргалашиб курашайлик

Бефарқ бўлманг одамлар!

«Заҳри қотил», наркотик, деса, кўпчиликни ваҳим босади. Ота борки, она борки, фарзандим шу балодан узоқ бўлсин, дея илтижо қилади. Негаки, бу оғу ёш йигит-қизларни ўз домига тортиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлаяпти. Чақалоқ — ногирон, ўғил — қотил, қиз эса ҳаётга нега келганини билмайди. Гиёҳвандлик уларни шу аҳволга солган...

Инсоният йигирманчи асрда жуда катта ютуқларга эришди. Оламшумул кашфиётлар қилинди. Инсон қадами фазога етиб, коинотни забт эта бошлади. Кўп дардларга даво топилди. Бироқ одамзот йигирма биринчи асрга ўзи билан гиёҳвандлик деган балони олиб ўтдики, бугунги кунда бу муаммо барчани бирдек ташвишга солаяпти.

Бу офат миллат танламай, чегара билмай бутун ер юзини қамраб олди. Гиёҳвандлик етиб бормаган қитъа йўқ. Айниқса, ёш-ёш йигит-қизларнинг бу бало домига тортилаётгани ғоятда ачинарлидир.

Бугун наркотик моддалар савдосидан кимлардир беҳисоб бойлик орттирмоқда. Қорадорининг бозори чаққон. Бу «бозор» орқасидан уюшган жиноятчилик «қувват» олаяпти, терроризм «сув» ичаяпти. Насл-насабдан путур кетаяпти.

Шунинг учун бу офатга қарши биргаликда курашмоқ зарур.

Шу мақсадда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари наркобизнес пайини қирқиш борасида жиддий ишлар олиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Афғонистонда оз эмас, кўп эмас, 6900 тонна опий тайёрланган.

Куни кеча республика Миллий хавфсизлик хизмати қўлга олинган наркотик воситаларнинг навбатдаги партиясини йўқ қилди.

Чет эллик кузатувчилар, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари кўз олдида 710,7 килограмм наркотик воситалар ёқиб юборилди. Шу йўл билан дастлаб 1994 йили 14 тонна наркотик модда йўқ қилинган эди. Шундан буён бу тартибга амал қилинади. Республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари бу жирканч иллатга қарши кураш бўйича доимо зарур чоралар кўриб келади. Аср вабоси ҳисобланмиш гиёҳвандликка тўсиқ қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Мудҳиш иллат олдини олишда жамоатчилик, биз журналистлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз шарт!

Тубсиз жарлик — ажал чангалидан ўзимизни, яқинларимизни, жамиятимизни асраш учун ҳамиша сергак бўлайлик. «Заҳри қотил»ни остонамизга яқинлаштирмайлик...

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

19 yil

«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан барча юртдошларимизни ҳамда ҳамкасбларимизни самимий муборакбод этади!

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларимиз бардавом бўлсин.

Энг улуғ, энг азиз байрам барчамизга муборак бўлсин!

Yo'lingiz behatar bo'lsin!

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

жамоаси

Бунёдкор халқимизни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилиб келаётган барча ўқитувчи-мураббийларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ билан чин дилдан муборакбод этади.

Тилагимиз — юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, хонадонларимиз обод ва фаровон бўлсин!

19

HAMKORBANK

очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси

Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни муборакбод этади!

Юртимиз тинч, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«СУРХОНПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Элимиз дастурхонига қут-барака, хонадонига тинчлик-тотувлик тилаймиз.

Мунаввар кунлар ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли **«Соврин плюс капитал»** *ютуқли омонатини таклиф этади.*

Омонатга маблағлар бир йил муддатга йиллик 14 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонатчилар фоиз даромадлари билан бирга, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлиши мумкин.

Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар икки ойда ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ! ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензиялаштирилган

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749

8091 nusxada bosildi

1 — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 22.45
Topshirilgan vaqti — 01.15
1 2 3 5

Sotuvda erkin narxda